“АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЭКСТРЕМИЗМГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШ ЖАРАЁНИДА МАҲАЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДЕРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ҳошимов Улуғбек Муҳиддин ўғли
ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим таянч докторантура докторанти

Аннотация:Ушбу мақолада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган экстремизмга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш жараёнида маҳаллий интернет-провайдерлар билан ҳамкорликни ташкил этишнинг илмий-амалий асослари таҳлил қилинади. Тадқиқот доирасида экстремистик ғояларни тарқатишда рақамли платформаларнинг роли, улар орқали жиноятларни амалга ошириш усуллари ҳамда бу жараёнларнинг ахборот хавфсизлигига таъсири ўрганилган. Шу билан бирга, маҳаллий интернет-провайдерлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижалари асосида экстремизмга қарши курашда ахборот-коммуникация сектори иштирокини кучайтириш, норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, экстремизм, жиноятчилик, интернет-провайдер, ахборот хавфсизлиги, ҳамкорлик.

“ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА С МЕСТНЫМИ ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДЕРАМИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ И РАСКРЫТИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ЭКСТРЕМИСТСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ, СОВЕРШАЕМЫХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ”

Аннотация: В данной статье анализируются научно-практические основы организации сотрудничества с местными интернет-провайдерами в процессе выявления и раскрытия преступлений экстремистской направленности, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий. В рамках исследования изучена роль цифровых платформ в распространении экстремистских идей, методы осуществления преступлений с

их помощью, а также влияние данных процессов на информационную безопасность. Особое внимание уделено правовому регулированию деятельности местных интернет-провайдеров и совершенствованию механизмов их взаимодействия с правоохранительными органами. На основе результатов исследования разработаны предложения и рекомендации, направленные на усиление участия информационно-коммуникационного сектора в противодействии экстремизму, развитие нормативно-правовой базы и эффективную организацию практического сотрудничества.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, экстремизм, преступность, интернет-провайдер, информационная безопасность, сотрудничество.

“ISSUES OF ORGANIZING COOPERATION WITH LOCAL INTERNET SERVICE PROVIDERS IN THE PROCESS OF PREVENTING AND DETECTING EXTREMIST-RELATED CRIMES COMMITTED THROUGH THE USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES”

Abstract: This article analyzes the scientific and practical foundations for organizing cooperation with local internet service providers in the process of detecting and exposing extremist-related crimes committed through the use of information and communication technologies. The study examines the role of digital platforms in disseminating extremist ideologies, the methods used to commit crimes through them, and the impact of these processes on information security. Particular attention is paid to the legal regulation of local internet service providers’ activities and the improvement of their cooperation mechanisms with law enforcement agencies. Based on the research findings, proposals and recommendations have been developed to enhance the participation of the information and communication sector in countering extremism, strengthen the regulatory framework, and ensure the effective organization of practical collaboration.

Keywords: information and communication technologies, extremism, crime, internet service provider, information security, cooperation.

Жиноятлар тўғсиридаги аҳамиятли тезкор маълумотларнинг асосий қисми кибермаконга ўтиши натижасида тезкор бўлинмаларнинг хизмат ва тезкор фаолиятида ушбу маълумотларга киришнинг махсус шакл ва усулларидан фойдаланиш зарурати вужудга келмоқда. Сўнгги йилларда криминалистика ва тезкор-қидирув фани доирасида бундай шакл ва усулларнинг назарий ва амалий жиҳатларини фаол тарзда ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Шу билан бирга,

терговчи ва тезкор ходимларда компьютер саводхонлиги борасидаги билим ва кўникмаларининг жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш жараёнларида компьютер ахборотидан янада самарали фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради. Жиноятчилар компьютер маълумотларини ишончли яширишнинг янги усулларини изламоқдалар ва бунинг учун энг замонавий технология воситаларидан фойдаланадилар. Рус олимдаридан А.Л.Осипенко ва В.Ф.Луговиклар ўз мақолаларида "жиноятчилар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида содир этиаётган жиноятларини қуйидаги изларини яширишда алоҳида эътибор қаратадилар:

- ноқонуний фаолиятнинг рақамли излари, амалга оширилган ёки режалаштирилаётган жиноий ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар (бухгалтерия ҳисоботлари, молиявий операциялар ва бошқалар);
- жиноий фаолият иштирокчилари ўртасида узатилаётган хабарлар ва мулоқотлар мазмуни;
- алоқа сеанслари ҳақидаги маълумотлар, яъни уларда қатнашган техник қурилмалар ва фойдаланувчиларни аниқлаш имконини берадиган маълумотлар;
- тарқатилиши тақиқланган ахборотни ўз ичига олган рақамли объектлар (болалар порнографияси, экстремистик материаллар ва бошқалар);
- жиноий ҳаракатлар амалга оширилаётган тармоқ манзиллари[1];

каби жихатларни алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Жиноятчиларнинг ўз виртуал изларини яширишга ўринишлари ҳолатлари энг аввало уюшган жиноятчилик, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларга хосдир. Бундай жиноятларни очиш ва тергов қилишда алоқа каналларини назорат қилиш ёки компьютер қурилмаларидан маълумот олиш муҳим аҳамиятга эга. Асосан маълумотлар шифрлаш воситалари билан яширилади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шифрланган маълумотларга киришга уринганда анъанавий тергов усуллари самарасиз бўлиб қолади, қўлга киритилган маълумотларни эса далил сифатида баҳолашнинг имкони қолмайди.

Асосан ахборот технологиялари ёрдамида жиноят содир қилган жиноятчилар ўзларининг тармоқдан фойдаланиши натижасида қоладиган рақамли изларни яшира олмаслик ҳолатларида, изларни ўчириш ёки уларни бузишга ва фош бўлиш имкониятларини яширишга ҳаркат киришадилар.

Айнан ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамитда содир этилаётган жиноятлар билан боғлиқ ишларда топилган далиллар хусусан:

[1] А.Л. Осипенко Анатолий Леонидович ва В.Ф. Луговик "Проблемы доступа правоохранительных органов к скрываемой компьютерной информации при раскрытии преступлений" Обўества и право .№2-(76) 2021.// https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-dostupa-pravoohranitelnyh-organov-k-skryvaemoy-kompyuternoy-informatsii-pri-raskrytii-prestupleniy/viewer (Мурожаат санаси: 05.10.2025)

комютер жамланмаси, мобил телефон қурилмалар, плншет, WiFi ва бошқа шу каби воситаларни расмийлаштириб олишда эътибор қаратиш лозим бўлган жихатлар борасида олимлардан В.В.Павлов, М.А.Золотов ва Т.А.Калентьевалар ўз ишларида “қимматли маълумотни аниқлаш ва олиш — бу махсус билим ва малака талаб этувчи мутахассислик ишидир. Бу меҳнатнинг самараси терговчининг техника воситаларини қай даражада тез ва сифатли тарзда олиб қўйганига бевосита боғлиқ бўлади. Компьютер техникасини олиб қўйиш билан боғлиқ тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга оширишда эътиборга олиниши зарур бўлган қатор хусусиятлар мавжуд. Бундай ҳолатларда маълумотларнинг сақланиб қолиши устувор аҳамиятга эга, чунки бу техник воситалар интернет тармоғи орқали биз гумон қилмаган бошқа жиноятларни содир этиш учун фойдаланилган бўлиши мумкин[2]” деган мулоҳазаларни илгари суришган. Бу борада уларнинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки,

Рақамли маконда содир этилган жиноятлар учун интернет-платформалар ва провайдерларнинг масъулияти фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш ва тармоқдаги ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Асосий принцип шундаки, интернетга ёки рақамли хизматларга кириш имконини берувчи компаниялар контентни модерация қилиш, маълумотларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича талабларга риоя қилишлари лозим.

Биргина мисол тариқасида Россия давлатининг амалда бўлган “Яров пакети”ни айтиш мумкин. “Яровой пакети” — бу иккита федерал қонундан иборат пакет:

1. 2016 йил 6 июль куни қабул қилинган 374-ФЗ «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Федерал қонун ва Россия Федерациясининг алоҳида қонунчилик ҳужжатларига терроризмга қарши қўшимча чоралар ва жамият хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзгартиришлар киритиш тўғрисида[3]»ги қонуни;
2. 2016 йил 6 июль куни қабул қилинган 375-ФЗ «Россия Федерацияси Жиноят кодекси ва Жиноят-ижро кодексига терроризмга қарши қўшимча

[2] В.В.Павлов, М.А.Золотов ва Т.А.Калентьева “Проблема получения и фиксации информации, содержащейся на электронных устройствах лиц, задержанных по делам о незаконном обороте наркотических средств с использованием ресурсов сети Интернет” Вестник вожекого университета имени В.Н.Тащиева №2 (1)

[3] Федеральный закон “О внесении изменений в Федеральный закон “О противодействии терроризму” и отдельные законодательные акты Российской Федерации в части установления дополнительных мер противодействия терроризму и обеспечения общественной безопасности” от 06.07.2016 N 374-ФЗ (последняя редакция) 6.07.2016 года N 374-ФЗ. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_201078/ (Мурожаат санаси:07.10.2025).

чоралар ва жамият хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзгартиришлар киритиш тўғрисида[4]»ги қонуни.

Бу қонунлар 2018 йил июл ойидан бошлаб мобил операторлар ва интернет компанияларига фойдаланувчи интернет-трафикини — мессенжерлардаги хабарлашувлар, ижтимоий тармоқлар, электрон почта ҳамда қўнғироқларнинг аудиёзазувларини 6 ой давомида сақлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, қонун фойдаланувчи кимга ва қачон қўнғироқ қилгани ёки файл юборгани ҳақидаги метамаълумотларни 3 йил давомида сақлашни ҳам талаб қилади.

Юқорида номлари қайд этилган қонунларга кўра Россияда фаолият юритаётган хорижий интернет-платформаларга мамлакатда ваколатхона очиш мажбуриятини юклайди, шу орқали улар Россия қонунлари ҳудудида бўлишади. Қонунни бузиш ресурсларни блоклашга олиб келиши мумкин.

Умум эътироф этилган қонунларга назар ташлайдиган бўлсак турли мамлакатлар интернет-маконни тартибга солишда ўз стратегияларини қўллайди, фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш, сўз эркинлиги ва рақамли платформаларнинг масъулияти ўртасида мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилади. Бу соҳадаги энг муҳим қонунлардан бири — 2018 йилда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган Маълумотларни ҳимоя қилиш умумий регламенти (GDPR). Ушбу ҳужжат шахсий маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатишда қатъий талабларни белгилайди. Компаниялар маълумот тўплаш учун фойдаланувчидан очиқ розилик олиш, уни ўчириш имконини таъминлаш ва юқори даражадаги хавфсизлик чораларини кўришга мажбур. GDPR нормаларини бузиш компаниянинг йиллик айланмасига нисбатан 4% ёки 20 миллион еврогача жарималарни келтириши мумкин, бу эса кўплаб ташкилотларни ўз махфийлик сиёсати ва маълумотлар билан ишлаш принципларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди[5].

Интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган ва намойиш этилаётган тақиқиланган мазмундаги контентларни олиб ташлаш ва блоклаш борасида европалик олимлардан Stanisław Tosza ўз мақолаларида бу тенденциянинг очиқ мисолларини кўрсатадиган икки соҳасини алоҳида таъкидлаб уларни қуйидагиларга: биринчиси — онлайн контентни модерация қилиш ва ноқонуний контентга қарши кураш, Иккинчи соҳа — жиноят терговлари учун рақамли далилларни йиғиш соҳаларига ажратишни илгари суради. Унинг фирклариға қўшилган ҳола биринчи соҳада хизмат кўрсатувчи провайдерлар ноқонуний контентни кузатиш ва олиб ташлашда муҳим роль ўйнайди. Бу роль бир

[4] Федеральный закон "О внесении изменений в Уголовный кодекс Российской Федерации и Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации в части установления дополнительных мер противодействия терроризму и обеспечения общественной безопасности" от 06.07.2016 N 375-ФЗ (последняя редакция) 6.07.2016 года N 375-ФЗ // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_201087/ (Мурожаат санаси:07.10.2025).

[5] General Data Protection Regulation (GDPR)// https://gdpr-info.eu/ (Мурожаат санаси:07.10.2025)

томондан қонунчилик ва тартибга солиш объектига айланиб бораётган бўлса, иккинчи томондан провайдерлар уни фаол равишда бажаришмоқда. Ҳар икки ёндашув ҳам баҳс-мунозараларсиз эмас, айниқса улар сўз эркинлиги ва бошқа ҳуқуқлар орасида танлов қилишга мажбур бўлишади. Иккинчи соҳада хизмат кўрсатувчи провайдерлар ҳамкорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мажбурий шартга айланган. Маълумотга киришнинг кўпинча чегараларо хусусияти провайдерлар учун сўровларнинг қонунийлиги ёки пропорционаллиғини баҳолаш шароитларини яратди ва уларнинг роли давлат органлари ролига ўхшаш бўлиб қолади деб ҳиоблаймиз.

Кибержиноятчиликка қарши курашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Интернетдаги шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилиш ёки тарқатиш учун жавобгарликни белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, Дэвид Кей ва Эмили Броаднинг ишларида энг кўп учрайдиган кибержиноятлар ҳамда уларнинг муайян давлат органларига бўлган ишонч даражасига таъсири, шунингдек, шахсни киберхавфлардан ҳимоя қилиш усуллари таҳлил қилинади.

Қонунларда интернет-провайдерлар ва онлайн-платформалар учун фойдаланувчилар томонидан жойлаштириладиган контент бўйича мажбуриятлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бу, жумладан, номақбул контентни ўчириш чоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади.

Шунингдек, қонунчилик Интернетда зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш чораларини ҳам назарда тутади, жумладан, жабрланувчилар учун мурожаат қилиш механизмлари ва кибербуллингга қарши кураш воситаларини қамраб олади.

Бизнинг фикримизча бу борада мамлакатимизда айнан ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган жиноятлар (экстремизм, терроризм, нарко трафик, ўғирлик, фирибгарлик ва товламачилик)га қарши курашишда бир қатор чораларни кўриш лозим бўлиб улардан: ваколатли органлар томонидан интернет ижтимоий тармоқларида мониторнинг ишларини олиб бориб, кибермаконда тақиқланган мазмундаги материаллар ва контентларни (террористик ва экстремистик ғоялар, гиёҳвандлик воситалари, порнографик материалларни тарғиб қилиш ва бошқа мазмундаги) ахборотларни тарқатувчи манбаларни (профиль, веб-сайт, аккаунт ва бошқалар) аниқлаш ҳамда уларни блоклаш чораларини кўриш мақсадида интернет ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ҳамда видеоҳостингларнинг бош офислари билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш.

Бунда платформа бош офислари билан келишувлар тузиш — унда ахборот алмашинуви, келишув талабларининг шакли, жавоб бериш муддатлари,

махфийлик ва маълумотларни қайта ишлаш қоидалари, зиддиятларни ҳал этиш тартиби белгиланиши лозим, келишув шартларини бажармаган платформалар фаолиятини Ўзбекистон ҳудудида чеклаш чораларини кўриш лозим;

ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш ҳамда олдини олиш борасида рақамли изларни таҳлил қилиш фаолиятини такомиллаштириш борасида жаҳоннинг ривожланган давлатларнинг амалий ва ҳуқуқий тажрибаларидан келиб чиқган ҳолда ҳудудларда фаолият юритиб келаётган соҳа тезкор ходимларида Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилаётган терроризм, экстремизм, наркотрафик ва бошқа жиноятларга алоқадор рақамли изларни очиқ тармоқ (OSINT) воситаларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш;

интернет ижтимоий тармоқларини мониторинг қилиш давомида жиноят аломатлари бўлган манбалар (аккаунт, профиль ва веб сайтлар) фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш тизимини жорий этишда

1) Интернет ижтимоий тармоқларини мониторинг қилиш жараёнида террористик ва экстремистик мазмундаги материал ҳамда контентларни тарқатиш, намойиш этиш, шунингдек бошқа жиноий ҳолатларни содир қилаётган манбалар (аккаунт, профиль ҳамда веб-сайтлар)ни аниқлаш ҳамда уларни фаолиятига чек қўйишда Интернет-провайдерлардан (жумладан UzMobile, Ucell, Beeline ва бошқа операторлар) фойдаланувчининг ИП манзили, тизимга кириш вақти, қурилманинг MAC манзили ва геолокация тўғрисидаги маълумотларини 1 ойдан 6 ойгача сақлаш тизимни жорий этиш ҳамда мазкур маълумотларни Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сўровлари асосида тақдим этиш тизимини жорий этиш.

2. Ваколатли давлат идоралари томонидан интернет тармоқларида мунтазам мониторинг олиб бориш ҳамда аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўриш тартиби жорий этиш лозим;

сунъий интеллект технологиялари воситасида содир этилаётган жиноятларга қарши самарали курашиш мақсадида норматив - ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашда сунъий интеллект технологиялари асосида яратилган экстремистик гуруҳларнинг тарғибот материаллари ва бошқа жиноий ҳолатлар юзасидан яратилган контентларини (Deepfake) аниқлаш бўйича Ички ишлар вазирлигида GAN (Generative Adversarial Netvork)- махсус машинани ўрганиш тизими асосидаги экспертиза ўтказиш ва сунъий интеллект асосида сохталаштирилган ноқонуний контентлардан фойдаланишни чеклаш тизимини жорий этиш;

ички ишлар вазирлиги ва тегишли идоралар томонидан аноним крипто активлар орқали терроризм ва экстремизмни молиялаштириш ҳамда

Интернетнинг ёпиқ тармоқларида моддий манфаат олиш эвазига таклиф этилаётган жиноят хизматларидан фойдаланиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган мониторинг, таҳлил ва маълумотлар тўплаш механизмларини ташкил этиш ҳамда ушбу ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш тизимини шакллантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилаётган терроризм, экстремизм ва бошқа турдаги жиноятларни молиялаштиришни фош этиш борасида крипто-активлар ҳамда интернет хизматларини кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хорижий провайдерлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида тўғридан-тўғри маълумот алмашиш, сўров юбориш ва маълумот олиш тартибини жорий этиш;

интернет ижтимоий тармоқларида тарқатилаётган ва намойиш этилаётган тақиқланган мазмундаги контентларни аниқлаш тизимини такомиллаштиришда Интернет ижтимоий тармоқларида тарқатилаётган ва намойиш этилаётган тақиқланган мазмундаги контентларни аниқлаш тизимини такомиллаштириш борасида суний интелект технологиялари ёрдамида реал вақт режими асосида ишловчи интернет тармоқларини мониторинг қилиш ва шубҳали ҳолатларни қайд этиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ундан фойдаланишни ваколатли идоралар ихтиёрига топшириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора тадбирлар ахборот коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларни фош этиш, уларни содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга қонуний чора кўришда муҳим омиллар ҳисобланади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Л. Осипенко Анатолий Леонидович ва В.Ф. Луговик “Проблемы доступа правоохранительных органов к скрываемой компьютерной информации при раскрытии преступлений” Обўества и право .№2-(76) 2021.// https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-dostupa-pravoohranitelnyh-organov-k-skryvaemoy-kompyuternoy-informatsii-pri-raskrytii-prestupleniy/viewer
3. В.В.Павлов, М.А.Золотов ва Т.А.Калентьева “Проблема получения и фиксации информации, содержащейся на электронных устройствах лиц, задержанных по делам о незаконном обороте наркотических средств с использованием ресурсов сети Интернет” Вестник вожекого университета имени В.Н.Тащиева №2 (1)
4. Федеральный закон “О внесении изменений в Федеральный закон “О противодействии терроризму” и отдельные законодательные акты Российской Федерации в части установления дополнительных мер противодействия терроризму и обеспечения общественной безопасности” от 06.07.2016 N 374-ФЗ (последняя редакция) 6.07.2016 года N 374-ФЗ. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_201078/

5. Федеральный закон "О внесении изменений в Уголовный кодекс Российской Федерации и Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации в части установления дополнительных мер противодействия терроризму и обеспечения общественной безопасности" от 06.07.2016 N 375-ФЗ (последняя редакция) 6.07.2016 года N 375-ФЗ // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_201087/
6. General Data Protection Regulation (GDPR)// https://gdpr-info.eu/